# X–XI ЮЗЙИЛЛИКЛАРДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ИЖОДИГА ТАЪСИРИ

**Нурмуҳамедов Самариддин Алимардон ўғли**
*Тошкент иқтисодиёт ва педагогика институти*
*“Ижтимоий фанлар ва жисмоний тарбия” кафедраси ўқитувчиси*
**https://doi.org/10.5281/zenodo.15287535**

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақола X–XI юзйилликларда юз берган сиёсий жараёнлар ва уларнинг Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний ижодига кўрсатган таъсири ҳақида бўлиб, ундаги маълумотлар Берунийнинг ҳаёт йўли билан чамбарчас боғлиқликда таҳлил қилинган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР**

Беруний, Хоразм, ироқийлар, маъмунийлар, зиёрийлар, сабуктегинийлар, ал-Қонун ал-Масъудий.

**АННОТАЦИЯ**

Данная статья посвящена политическим процессам, происходившим в X–XI веках, и их влиянию на творчество Абу Райхана Мухаммада ибн Ахмада Бируни. Представленные сведения проанализированы в тесной связи с жизненным путем самого Бируни.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА**

Бируни, Хорезм, иракийцы, мамуниды, зиариды, сабуктегиниды, «аль-Канун аль-Масуди

**ABSTRACT**

This article explores the political developments of the 10th–11th centuries and their influence on the works of Abu Rayhan Muhammad ibn Ahmad al-Biruni. The information is analyzed in close connection with al-Biruni’s life and scholarly path.

**KEY WORDS**

al-Biruni, Khwarazm, Iraqis, Ma'munids, Ziyarids, Sabuktiginids, al-Qanun al-Mas‘udi.

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний яшаган X–XI юз йилликларда Турон ерларида бир неча сулолалар бор эди. Улар минтақа бошқарувини ўз қўлларига олиш йўлида бир-бирларига тинимсиз рақиб бўлиб келишди. Сомонийлар, қорахонийлар, ироқийлар, маъмунийлар, ғазнавийлар ва салжуқийлар каби сулолалар ушбу сиёсий жараёнлар ўртасидан ўрин эгаллашди. Шунингдек, ушбу сулолаларга бўйсунувчи

кичик хонадонлар, жумладан, симжурийлар, зиёрийлар, фариғунийлар, олтунтошийлар ҳам айтарлик даражада ўз сўзларига эга эдилар.

Беруний туғилган X юзйилликнинг иккинчи ярмида Хоразм ғарбий ва шарқий қисмларга бўлинган ҳолда бошқарилган. Аниқроқ қилиб айтганда, маркази Журжонийя бўлган ғарбий Хоразм сомонийлар сулоласига бўйсунувчи маъмунийлар қўлида, бошкенти Кот бўлган шарқий Хоразм эса келиб чиқиши африғийларга бориб тақалувчи ироқийлар бошқаруви остида эди. Беруний Кот шаҳри ташқарисида туғилгани ҳамда ёшлигининг кўп қисмини ўша ерда ўтказгани маълум[1]. Демак, бу ироқийлар ҳудудига тўғри келади.

Ироқийлар саройида илм аҳли доимо қадрланган, айниқса, риёзиёт ва фалакиёт билимдонлари алоҳида мартабага эга бўлишган. Ҳаттоки амирларнинг ўзлари ҳам илм билан шуғулланган манбаларда қайд этилган. Шулардан бири Абу Саъид Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ироқ бўлиб, у Хоразм тақвимига тузатиш киритган. Берунийга кўра, ушбу хоразмшоҳ хоразмликлар ойларини кабисали қилишда халифа Муътазид Биллоҳ йўлидан борган. У бу ишларни Харожий, Ҳамдакий ва ўша даврнинг бошқа мунажжимлари хулосаси асосида қилган[2]. Беруний ушбу сулолага яқин бўлган, ҳатто ўз илмий фаолиятини саройда олиб борган[3]. Буни аввало олимнинг салоҳиятли экани, шунингдек, сулола вакилларидан фалакиёт ва риёзиёт билмидони Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ унга устозлик қилгани[4] билан изоҳлаш мумкин. Беруний 384–385/994–995 йиллари Кот шаҳрида муҳим астрономик кузатишлар ўтказган ва бу кузатишлар учун астрономик ускуналар ясаган.

Беруний ўз изланишларини давом эттираётган бир даврда, яъни 385/995 йили ғарбий Хоразм етакчиси Абулаббос Маъмун ибн Муҳаммад Кот шаҳрини эгаллаб, ироқийлар етакчиси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмадни ўлдиради ва унинг бошқаруви остидаги ҳудудларни ҳам ўз қўлига олади[5]. Ушбу воқеадан сўнг ироқийлар хонадони хизматида бўлган Беруний Котдаги тадқиқотларини тўхтатиб, 22/23 ёшида бувайҳийлар қўл остидаги Райга бориб яшашга мажбур бўлади. Олим “Осор ал-боқия”да ироқийлар ҳимоясидан айрилгач, Райга бориб, у ерда ҳар томонлама қийинчиликка учраганини ёзган[6].

---

[1] **عبد الكريم بن محمد منصور التميمي السمعاني. الانساب. حيدر آباد: مجليس دائرة المعارف العثمانية، 1963/1383. ج. 2. ص. 392.**

[2] Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний. Танланган асарлар I / Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Таржимон А.Расулов. Тошкент: Фан нашриёти, 1968. Б. 285–286.

[3] Танланган асарлар I / Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Б. 399.

[4] Танланган асарлар I / Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Б. 215.

[5] **ابن الاثير/ علي بن محمد بن عبد الكريم بن عبد الواحد الشيباني. الكامل في التاريخ. بيروت: دار الكتاب العربي، 2012. ج. 7. ص. 468.**

[6] Танланган асарлар I / Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Б. 399.

Беруний 386/998 йили дастлаб сомонийларга, сўнгра ғазнавийларга бўйсунган зиёрийлар хонадони етакчиси Шамсулмаолий Қобус ибн Вашмгир бошқаруви остидаги Журжонга боради. Бу даврда Қобус симжурийларни енгиб, ўз ҳудудида тинчликни таъминлаган эди. Муҳаммад Утбий томонидан илмга ўртоқлиги ва саховати улуғланган[7] ушбу етакчи Берунийни ўз ҳимоясига олади[8]. Беруний айни шу ҳомийлик даврида ўзининг йирик асарларидан бири "الآثار الباقية عن القرون الخالية" ("Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар") отли асарини Қобусга бағишлаб ёзади[9].

Беруний Рай ва Журжонда яшаган бир кезда, Хоразмдаги сиёсий ҳаёт чигал вазиятда эди. Берунийнинг замондоши бўлган Утбийга кўра, Маъмун ибн Муҳаммад ўлгач, ўрнига ўғли Абулҳасан Али ўтиради[10]. Ибн Асир ушбу ҳодисани 387/997 йили юз берган деб қайд этган[11]. Абулҳасан Али ғазнавийлар етакчиси Маҳмуд ибн Сабуктегин ибн Чуқ Қаро Бажкамнинг (387/997–422/1030) синглиси Хурраи Колижийга (حرّه كالجى)[12] уйланиши орқали ўзининг сиёсий ҳокимиятини кучайтириб олади. Беруний ушбу етакчининг таклифи билан 399/1009 йили Хоразмга қайтади ва маъмунийлар хизматига киради. Натижада Беруний фаолиятида янги бир давр бошланади. Энди у ижод кишиси эмас, балки сиёсий жараёнлар иштирокчиси сифатида кўзга ташлана бошлайди. Булар ҳақида Абулфазл Байҳақий Берунийнинг "المسامرة في اخبار خوارزم" ("Хоразм хабарлари ҳақида суҳбат") асарига асосланиб маълумот ёзиб қолдирган. Унга кўра, Абулҳасан Али 399/1009 йилдаёқ ўлади, тахтга Маъмуннинг иккинчи ўғли Абулаббос Маъмун ўтиради. У акасининг беваси Хурраи Колижийни ўз никоҳига олади. Аббосийлар халифаси Қодир Биллоҳ (381–422/991–1031) Абулаббос Маъмунга қўл остидаги ҳудудларни бошқара олиши учун рухсат (маншур), хиъилат ва байроқ жўнатади. Шунингдек, халифа мазкур хоразмшоҳга "айн ад-давла" ва "зайн ал-милла" лақабини беради. Абулаббос Маъмун халифанинг элчиларини пойтахтга етиб келмасларидан олдин йўлда кутиб олиш ишларини Абу Райҳон Берунийга юклайди[13]. Бу орада султон Маҳмуд халифанинг Абулаббос Маъмунга кўрсатаётган эътиборидан хавотирлана бошлайди. Шу сабабли у хоразмшоҳга нисбатан босимни кучайтиради, яъни, ундан ўз номини

---

[7] **ابو النصر محمّد بن عبد الجبّار العُتبي. اليميني في شرح اخبار السلطان يمين الدولة و امين الملة محمود الغزنوي. بيروت: دار الطليعة. 2004. ص. 251 – 252.**

[8] **ياقوت بن عبد الله الحموي. معجم الادباء. بيروت: دار الغرب الاسلامي، 1993/1414. ج. 5. ص. 2332.**

[9] Танланган асарлар I / Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Б. 13.

[10] **اليميني في شرح اخبار السلطان يمين الدولة و امين الملة محمود الغزنوي. ص. 395.**

[11] **الكامل في التاريخ. ج. 7. ص. 491.**

[12] Ушбу исм учун қаранг: **ابو الفضل محمد بن حسين بيحقى. تاريخ بيحقى. تهران: انتشارات هيرمند، 1376. ص. 1024. (1254 ص.)**

[13] **تاريخ بيحقى. ص. 1025.**

хутбада ўқитишни ва исми билан танга бостиришини талаб қилади[14]. Бундай оғир вазиятда Маъмун Берунийдан маслаҳат сўрайди. Беруний Ўзганд яқинида бир-бири билан уришаётган хонийларни (қорахонийларни) яраштириб, уларнинг кўнглини олишни маслаҳат беради. Бу иш амалга ошганда эса султон Маҳмуд ғазабланади ва хоразмшоҳга таҳдидлар билан тўла мактуб йўллайди. Натижада Абулаббос Маъмун ўзига бўйсунувчи Насо ва Фаровада султон Маҳмуд номига хутба ўқитишга қарор қилади. Шунингдек, ўртадаги алоқаларни қайтадан тиклаш мақсадида Ғазнага шайх ва қозиларни ҳамда саксон минг динор ва уч мингта от жўнатади[15]. Кўриш мумкинки, бу даврда Берунийнинг елкасидаги сиёсий вазифалар унинг илм билан шуғулланишини маълум даражада чеклаб қўйган.

Кейинги сиёсий жараёнлар нафақат Берунийнинг ҳаётини, балки бутун Хоразмдаги вазиятни ўзгартириб юборди. Бунга кўра, султон Маҳмуднинг талабларини бажариш таниқли саркардалар қаршилигига сабаб бўлади. Натижада 407/1017 йили маъмунийлар етакчиси Абулаббос Маъмун ўзининг катта ҳожиби Алптегин Бухорий[16] томонидан ўлдирилади. Унинг ўрнига ўн етти ёшли жияни Абулҳорис Муҳаммад ибн Али ўтказилади. Ҳокимият эса амалда Алптегин ва у тайинлаган вазирнинг қўлига ўтади[17]. Куёвининг ўлдирилиши ортидан султон Маҳмуд қасос олиш мақсадида 407/1017 йили Хоразмга юриш қилади ва уни эгаллайди. Мазкур ҳудудга Ҳожиб Олтинтош хоразмшоҳ этиб тайинланади[18]. Хоразмнинг босиб олиниши Беруний учун оғир кечади. Маъмунийлар саройида фаолият юритган кўплаб олимлар қатори у ҳам Маҳмуд томонидан Ғазнага олиб кетилади. Олим ўша вақтда билмаган бўлса-да, бу унинг ижодида энг сермаҳсул даврнинг бошланиш нуқтаси бўлади.

Берунийнинг султон Маҳмуд билан муносабатлари қандай кечгани тўғрисида аниқ маълумот йўқ. Лекин баъзи ривоятларда султон олимга нисбатан дастлабки даврларда қўпол муомалада бўлгани айтилади. Кейинчалик Маҳмудга яқин кишилар орачилиғида Беруний билан султон ўртасидаги ўзаро англашмаслик кўтарилиб, олим учун тинч яшаб, илмий изланишлар олиб бориш имкони туғилади[19]. Ўша даврларда султон

---

[14] **اليميني في شرح اخبار السلطان يمين الدولة و امين الملة محمود الغزنوي. ص. 396.**
[15] **تاريخ بيحقى. ص. 1029 – 1035.**
[16] Муҳаммад Утбий ушби шахснинг исмини Йинолтегин Бухорий (**ينالتكين البخاري**) шаклида берган. Қаранг: **اليميني في شرح اخبار السلطان يمين الدولة و امين الملة محمود الغزنوي. ص. 396.**
[17] **تاريخ بيحقى. ص. 1025.**
[18] **اليميني في شرح اخبار السلطان يمين الدولة و امين الملة محمود الغزنوي. ص. 397 – 399.**
[19] Танланган асарлар I / Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Б. 9.

Маҳмуд бошлиқ ғазнавийларнинг Ҳиндистон юришлари натижасида Ғазнада жуда кўплаб ҳинд асирлари тўпланган эди. Бу ҳолат ҳинд илм-фани ва маданиятига қизиқиши юқори бўлган Берунийга қўл келади. Натижада у ҳинд тилини дастлаб Ғазнада яшаган ҳиндлардан ўргана бошлайди. Катта эҳтимол билан Беруний султоннинг кейинги ҳинд юришларида йўлдошлик қилган ва ўша ҳудудларда қолиб, тил билимини ўстирган. Ҳатто қадимги ҳинд тили саналмиш санскритчани ҳам ўзлаштирган. Бунинг натижасида Беруний "Ҳиндистон" номи билан танилган "تحقيق ما للهند من مقولة مقبولة في العقل أو مرذولة" ("Таҳқиқ мо ли-л-Ҳинд мин мақулати мақбула фи-л-ақл ав марзула") асарини ёзади, шунингдек, "Санкҳъя", "Патанжали", "Жотка" ва "Панчатантра" отли китобларни ҳиндчадан арабчага, Иқлидус (Евклид)нинг "كتاب العناصر" ("Китоб ал-Аносир") ва Батлимус (Птоломей)нинг "كتاب المجسطي" ("Китоб ал-Мажистий") асарларини араб тилидан санскрит тилига ўгиради[20]. Берунийнинг султон Маҳмуд даврида ёзиб тамомлаган асарлари сифатида "كتاب التحديد نهايات الاقاليم" ("Китоб ат-Таҳдид ниҳоят ал-ақолим") ва " كتاب التفهيم لأوائل صناعة التنجيم" ("Китоб ат-тафҳим ли-авоил синоъат ат-танжим") асарларини кўрсатиш мумкин.

Султон Маҳмуд 32 йиллик ҳукмронлигидан сўнг 421/1030 йили вафот этгач[21], тахтга кичик ўғли Муҳаммад ўтирди, аммо катта ўғли Масъуд қўшин ва кўплаб амалдорларнинг қўллови билан тахтни эгаллади[22]. Бу чоғда Беруний 57 ёшда эди. Бошқарувдаги ушбу алмашинув Беруний учун ҳам маълум миқдорда ўз таъсирини кўрсатди. Ёқут Ҳамавийга кўра, Масъуднинг астрономияга ва илм ҳақиқатларига, яъни фан фактларига иштиёқи баланд бўлган[23]. Бу эса Берунийга қўл келади. Натижада, у "Масъуднинг "ал-Ҳикма" деб аталувчи хазинасига, астрономия санъатига хос бир қонун билан хизмат қилишни"[24] истаб, "القانون المسعودي" ("ал-Қонун ал-Масъудий") асарини ёзади. Масъуд эса ушбу асар мукофоти ўлароқ олимга битта филга юк бўладиган кумуш пуллар совға қилади. Лекин Беруний бу пулларни олмасдан уларни давлат хазинасига қайтаради[25]. Берунийнинг ушбу ҳомийси 431/1040 йили салжуқийлардан Дандонақон тўқнашувида енгилиб[26], яқинлари, хазинаси

---

[20] Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний. Танланган асарлар II / Ҳиндистон. Таржимон А.Расулов. Тошкент: Фан нашриёти, 1965. Б. 14.

[21] **ابو سعيد عبد الحي بن الضحاك بن محمود گرديزى. زين الاخبار. تهران: چاپخانه ارمغان، 1363. ص. 419.**

[22] **الكامل في التاريخ. ج. 7. ص. 732 – 733.**

[23] **معجم الادباء. ج. 5. ص. 2333.**

[24] Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний. Танланган асарлар V/1 Қонуни Масъудий (1–5-мақолалар). Таржимон А.Расулов. Тошкент: Фан нашриёти, 1973. Б. 37.

[25] **معجم الادباء. ج. 5. ص. 2331.**

[26] **زين الاخبار. ص. 437.**

ва қолган аскарлари билан Ҳиндистон томон отланганида, қўшин орасидаги исёнчилар томонидан йўлда ўлдирилади. Тахтга яна укаси Муҳаммад чиқарилади, аммо кўп ўтмасдан, 432/1041 йили Масъуднинг ўғли Мавдуд амакисини ва отасининг бошқа қотилларини ўлдириб, тахтни эгаллайди[27]. Юртдаги ушбу сиёсий ўзгариш Беруний 68/70 ёшда экан юз беради. Султон Мавдуд Берунийни етарлича эъзозлаган ва саройда илмий изланишлари учун тинч муҳит яратиб берган. Шу сабабли олим ушбу султонга атаб иккита асар битади. Буларнинг бири нодир тошлар ва металлар ҳақидаги "كتاب الجماهر في معرفة الجواهر" (Китоб ал-Жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир) асари ва иккинчиси, сиёсат ҳақида сўз юритилган "كتاب الدستور" ("Китоб ад-дастур") китобидир[28]. Мавдуд 441/1049 йилгача сабуктегинийлар сулоласини бошқарган. Катта эҳтимол билан Беруний сабуктегинийларнинг кейинги етакчилари даврида ҳам илмий изланишларини давом эттирган. Чунки олимнинг сўнгги асари сифатида кўрилувчи "كتاب الصيدنة في الطب" ("Китоб ас-Сайдана фи-т-тибб")нинг киришида унинг ёши саксондан ошгани қайд этилган[29]. Берунийнинг 362/973 йили туғилганлиги ҳисобга олинса, ушбу асарнинг ёзилиши 442/1051 – 443/1052 йиллар оралиғига тўғри келади. Бу давр эса сиёсий беқарорлик даври ҳисобланади. Чунки Берунийнинг ҳомийси бўлган султон Мавдуд 441/1049 йили салжуқийларга қарши курашиш учун отланиб, йўлда касалликдан вафот этгач, унинг ўрнига ўғли Масъуд II келади. У ҳали кичкина бўлгани учун амалда ҳокимият онасининг қўлида қолади. Шу сабабли давлатнинг етакчи кишилари ўша йилнинг ўзидаёқ, тахтга Али ибн Масъудни ўтказадилар. Аммо марҳум султон Мавдуднинг вазири Абдураззоқ тутқунликдаги Абдурашид ибн Маҳмудни қўллаб, 442/1050 йили уни тахтга чиқаради[30]. Ҳожиб Туғрул 444/1052 йили исён кўтариб, Ғазнани эгаллайди. У султон билан биргаликда ўнта шаҳзодани ўлдиради. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Беруний ўзидаги қарилик аломати, атрофидаги алғов-далғовли вазиятларга қарамай илмий фаолиятини давом эттира олган.

Берунийнинг ўлим йили ҳақида аниқ тўхтам йўқлиги боис уни, Туғрулдан кейин тахтга келган ва мамлакатда нисбатан барқарор сиёсий муҳит ярата олган султон Фаррухзод (444/1052–451/1059) етакчилиги йилларида ҳам яшаган деб тахмин қилиш мумкин[31]. Ёқут Ҳамавийнинг

---

[27] **زين الاخبار. ص. 440 – 442.**

[28] M. Kamiar. Brilliant Biruni Life Story of a Genius Abu Raihan Mohammad Ibn Ahmad. Maryland-Toronto-Plymouth: The Scarecrow Press, 2009. B. 173. (192).

[29] Танланган асарлар I / Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Б. 12.

[30] **الكامل في التاريخ. ج. 8. ص. 79 – 80.**

[31] **الكامل في التاريخ. ج. 8. ص. 101 – 103.**

Беруний тўғрисидадаги сўзларига қаралса, олим сўнгги нафасини олаётган вақтда ҳам илм ўрганишни афзал билган[32].

Юқорида маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, X–XI юзйилликларда юз берган сиёсий жараёнлар Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Берунийнинг нафақат яшаш тарзига, шу билан бирга илмий фаолиятига ҳам жиддий таъсирини кўрсатди. Бу қуйидагиларда ўз аксини топди:

- олимнинг салоҳияти ва дастлабки устозларидан бири Хоразм бошқарувини қўлида тутган ироқийлар хонадонига мансублиги уни илмга ошно бўлган амир Абу Саъид Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ироқ саройида ишлашига сабаб бўлди.

- сомонийлар қўллаб-қувватлаган маъмунийларнинг Котни эгаллаши, ироқийларга яқин бўлган Берунийни зиёрийлар етакчиси Қобус ибн Вашмгир ҳузурига кетишга мажбур қилди. Бу жараён олимнинг “Осор ал-боқия” асари юзага келишини таъминлади.

- Абулҳасан Али ибн Маъмуннинг Хоразмда вазиятни юмшатиши ва Абулаббос Маъмуннинг илм ва илм аҳлига бўлган ҳурмати Берунийни маъмунийлар саройида юқори ўринга келтирди. Елкасидаги давлат вазифалари, юртдаги сиёсий жараёнлар олимнинг илмий фаолиятини маълум даражада чеклади. Шундай бўлса-да, ушбу жараёнларнинг иштирокчиси бўлиш Берунийга кейинчалик “ал-Мусомара фи ахбори Хоразм” асарини ёзишда қўл келди.

- Султон Маҳмуднинг Хоразмни эгалланиши ва кўплаб олимлар қатори Берунийни ҳам Ғазнага олиб кетиши олимнинг имий фаолиятида янги бир даврни очиб берди. Берунийнинг маъмунийлар сулоласига яқинлиги, сабуктегинийларга қарши бир неча сиёсий ҳаракатга алоқадорлиги ҳамда илмий қарашлари юзидан у султон Маҳмуд билан қарши-қаршига келган бўлса-да, ижоди тўхтаб қолмади. Қайтамга ушбу султон чоғида учта йирик асар яратишга эришди.

- Сабуктегинийларнинг Ҳиндистон юришлари Берунийга ҳинд эли, санскрит тили ва ёзуви билан яқиндан танишишга йўл очди. Натижада бир қанча асарларнинг арабча-санскритча ва санскритча-арабча ўгирилари юзага келди. Энг асосийси “Таҳқиқ мо ли-л-Ҳинд” асари дунё юзини кўрди.

- Сабуктегиний етакчилардан илмга ўртоқ тутинган кишиларнинг бошқарувга келиши Берунийнинг кейинги фаолиятини янада кучайтирди.

[32] معجم الادباء. ج. 5. ص. 2331 – 2332.

Бу ўз ўрнида, фалакиёт, сиёсат, минералогия, доришунослик билан боғлиқ кўплаб асарларни юзага келишига туртки бўлди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. M. Kamiar. Brilliant Biruni Life Story of a Genius Abu Raihan Mohammad Ibn Ahmad. Maryland-Toronto-Plymouth: The Scarecrow Press, 2009. 192 pp.

2. Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний. Танланган асарлар. Таржимон А.Расулов. Тошкент: Фан нашриёти, 1965–1973. I–V ж.

3. ابن الاثير/ علي بن محمد بن عبد الكريم بن عبد الواحد الشيباني. الكامل في التاريخ. بيروت: دار الكتاب العربي، 2012. 1–11 ج.

4. ابو الفضل محمد بن حسين بيحقى. تاريخ بيحقى. تهران: انتشارات هيرمند، 1376. 1254 ص.

5. ابو النصر محمّد بن عبد الجبّار العُتبي. اليميني في شرح اخبار السلطان يمين الدولة و امين الملة محمود الغزنوي. بيروت: دار الطليعة. 2004. 538 ص.

6. ابو سعيد عبد الحي بن الضحاك بن محمود گرديزى. زين الاخبار. تهران: چاپخانه ارمغان، 1363. 733 ص.

7. عبد الكريم بن محمد منصور التميمي السمعاني. الانساب. حيدر آباد: مجليس دائرة المعارف العثمانية، 1963/1383. 1–13 ج.

8. ياقوت بن عبد الله الحموي. معج